

«Энг маърифатли имом - 2018» кўрик танлови якунланди



15:02 / 20.12.2018 2722

Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Энг маърифатли имом - 2018» кўрик танловининг республика босқичи ўтказилди. Унда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар босқичида биринчи ўринни эгаллаган 14 нафар имом-хатиб беллашдилар. Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлар идораси Матбуот хизмати хабар берди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбар ходимлари, уламолар, имом-хатиблар ва оммавий ахборот воситаси ходимлари иштирок этди.

Ғолиблар билан танишинг:

1-ўрин: Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги «Худоёрхожи» жоме масжиди имом-ноиб Абдувоҳид Аҳмадалиев. У биринчи даражали диплом ва «Вақф» хайрия жамоат фонди томонидан тақдим этилган ноутбук ва пул мукофоти билан тақдирланди.



2-ўрин: Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги «Кулолқўрғон» жоме масжиди имом-хатиби Яҳёхон Абдурахмонов. У иккинчи даражали дипломи ва «Вақф» хайрия жамоат фонди томонидан тақдим этилган телевизор ва пул мукофоти билдан тақдирланди.



3-ўрин: Тошкент вилояти Қибрай туманидаги «Саъдулло ота» жоме масжиди имом-хатиби Обиджон Мирҳамидов. Унга учинчи даражали диплом ва «Вақф» хайрия жамоат фонди томонидан тақдим этилган микро тўлқинли печ ва пул мукофоти топширилди.



Бундан ташқари, бир қанча номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

«Энг кўп обуна уюштирган имом» номинацияси бўйича Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги «Нурул Ислом» жоме масжиди имоми Озод Назаров;

«Энг кўп мақола чоп этган имом» номинацияси бўйича Қашқадарё вилояти Касби туманидаги «Фазли» жоме масжиди имоми Азамат Усмонов;

«Энг обод масжид» номинацияси бўйича Урганч шаҳридаги «Охун бобо» жоме масжиди;

«Энг инновацион ёндашув» номинацияси бўйича Самарқанд вилояти Қўшрабат туманидаги «Домло Омонулло» Ғанижон Абиев ва Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги «Далварзин» жоме масжиди имоми Искандар Ортиқов тақдирландилар.









